БУГУНГИ СОНДА:



**Тажриба ўрганилмоқда**
2-бет



**Амударё устидан ўтувчи янги кўприк**
3-бет



**Мажбурий бадални тўлаш учун субсидия кимларга ажратилади?**
4-бет



**120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти**
6-бет


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 12 (565)
2022 йил 18 февраль, жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## БОЖХОНА ТИЗИМИНИ КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ҚИЛИШ – ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА

Президент Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Божхона тизими мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайдиган муҳим бўғин. Бу тизим тўғри ва очиқ-ошкора ишламаса, тадбиркорлик ва инвестицияларга тўсиқ бўлади.

Шу боис 2019 йилда божхона маъмуриятчилиги ислоҳ қилиниб, тартиб-таомиллар енгиллаштирилган эди. Жумладан, божхона постларида соддалаштирилган йўлаклар жорий этилди. Бугун йўловчиларнинг 95 фоиз ва юкларнинг 75 фоизи шулар орқали ўтмоқда. Илгари 12 та идорадан олинган 60 турдаги рухсатномалар “ягона дарча” орқали электрон шаклга ўтказилди. Буларнинг натижасида божхонада юкларни расмийлаштириш вақти 10 баробаргача қисқарди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида экспорт ҳажмини 30 миллиард долларга, хорижий туристлар сонини 7 миллионга етказиш мақсади белгиланган. Бу божхона соҳасига алоҳида масъулият юклайди.

Шу боис йиғилишда божхона тизимини ривожлантириш, биринчи навбатда постлардаги шароитларни яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди.

– Божхона постлари давлатимиз юзи, биринчи таассурот шу ердан бошланади. Улар обод, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай бўлиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Чегара-божхона постларида инфратузилмани яхшилаш, атрофини ободонлаштириш, айрим постлар биносини реконструкция қилиш, постларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари божхона тизимини коррупциядан холи қилиш энг устувор вазифа эканини, бу соҳа бошқа давлат идораларига намуна бўлиши кераклигини таъкидлади.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 2022 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва эзгу қадриятларини ўзида яққол мужассам этган, она табиат ва одамлар руҳиятида юз берадиган яшариш, янгиланиш ва юксалишларни асрлар давомида тўла намоён қилиб келаётган Наврўзи олам энг ардоқли миллий байрамларимиздан бири ҳисобланади.

Ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган борлиқни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш, меҳр-оқибат, хайру саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари юксак ғоялар бугунги кунда янада теран мазмун ва аҳамият касб этиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, инсон қадрини улуғлашдек буюк мақсадларни амалга оширишга қаратилган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жараёнида барча миллий қадриятларимиз қатори Наврўз умумхалқ байрами ҳам ўзига хос маънавий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини тобора чуқур англаб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида Наврўз том маънода умумхалқ байрамига айланиб, эл-юртимиз томонидан катта шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарафидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг ана шундай беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу айёмни мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёнига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда, ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. 2022 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда **“Ассалом, Наврўз – янгиланиш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!”** деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонлансин.

2-бет



## САМАРҚАНД ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ – МОЗИЙДАН САДО

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири

**Самарқанднинг тарихи кеча бошланган эмас. Қадимдан кўплаб давлатчилик анъаналари, сулола-ю маҳорабалар, вайронагарчиликлар-у бунёдкорликларнинг шоҳиди бўлиб келган шаҳарнинг бугунги кўринишини замонавийлаштириш, эски меъморлик анъаналарининг давоми сифатида янги иншоотлар барпо этиш диққат-марказида. Хусусан, Самарқанд халқаро аэропортининг янги биноси ўлкада сайёҳликнинг янада ривожланишига хизмат қилади.**

Мирзо Улуғбек 1429 йилда Самарқанддаги тепаликларнинг бирида мўъжаз расадхона қурдирди. Бу ерда йирик фалакшунос олимлар иш олиб боради. “Зижи жадиди кўрагоний” асари ушбу жараёнларнинг мевасидир.

Сўнгги йилларда миллий уйғониш – Учинчи ренессанс атамаси бот-бот эсланяпти. Бугунги ўзгаришлар бўлажак ренессанснинг пойдевори ўлароқ кўриляпти. Албатта, ҳар қандай уйғониш тарихий ўзликни англаш билан бевосита алоқадордир. Самарқанд халқаро аэропортининг янги терминали ҳам тарихий шахсиятимизни англашда катта роль ўйнаши табиий. Бўлажак ҳаво бекати очиқ китоб шаклида бўлиб, буюк Мирзо Улуғбек ташаббуси билан тузилган янги юлдузлар жадвали – “Зижи жадиди кўрагоний” асарининг мажозий кўринишини ифодалайди. Орадан беш аср ўтиб, улуғ мутафаккир сиймосига яна бир бор урғу берилди.

Ҳозирда терминал биносида сўнгги босқичдаги қурилиш жараёнлари давом этмоқда. Бунга қадар янги учиш-қўниш йўлаги барпо этилиб, замонавий радиолокацион тизим, 24 та самолёт ҳамда 700 та автомобиль сиғимига мўлжалланган автотураргоҳ барпо этилди. Иккита телескопик трап орқали 4 та самолётга чиқиш туннеллари ҳозирланди.

Уч қаватли аэропортнинг биринчи қавати 29 та безатилган устундан иборат бўлади. Иккинчи қаватда офис бинолари жойлашса, учинчи қаватда учиб кетиш зали ва “duty free” дўконлар зонаси бўлади. Маҳаллий ва халқаро авиалинияларга чиқиш ва учиб келиш учун алоҳида йўлаклар ажратилган.

Аэропортнинг янги терминали ишга тушгач, йўлаклардан йўловчи ўтказиш қуввати соатига 350 нафардан минг нафаргача ошади. Бу ўрта типдаги еттита самолётнинг йўловчи сиғимига тенг рақамдир. Айтиш жоизки, мунтазам рейслар сони эса ҳафтасига 40 тадан 120 тагача етказилади.

Хусусан, терминалнинг иш фаолияти “Очиқ осмон” режими асосида олиб борилади. “Очиқ осмон” режими – хорижий авиакомпаниялар учун мамлакат ҳаво йўлларидан фойдаланиш имкони ва шартларини енгиллаштириш демакдир. Ушбу режим мамлакатга келаётган туристлар оқимини ошириш ҳамда унинг минтақавий авиацион хаб сифатидаги салоҳиятини ошириш учун қўлланилади. “Очиқ осмон” режими бозорни халқаро авиакомпанияларга мамлакат аэропортлари ва уларнинг қуруқликдаги хизматлари учун очади. Ўз ўрнида, янги аэропортда халқаро жўнатмаларни амалга ошириш учун карго хизмати йўлга қўйилади.

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

### А 500 С турдаги металл прокатини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди



**Энди республикамизда қурилиш металл прокатининг сифати ва хавфсизлигини ошириш мақсадида халқаро стандартларга эга ГОСТ 10884-94, ГОСТ 5781-82 ва ГОСТ 34028-2016 талаблари асосида диаметри 10-36 ммгача бўлган арматура прокати ҳамда А400-А800 синфларига мансуб қурилиш арматуралари ишлаб чиқарила бошланди.**

Хусусан, А 500 С, А 600 С ва А 800 С бўлган термомеханик мустаҳкам арматура прокатларидан қурилиш жараёнларида фойдаланиш йўлга қўйиладиган бўлди.

Бу турдаги арматура прокатларининг афзалликлари ва техник хусусиятларини фойдаланувчиларга тушунтириш мақсадида Қурилиш вазирлигида конференцалоқа тарзида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда мазкур қурилиш материалини ишлаб чиқариш босқичлари, физикавий ва кимёвий жиҳатлари, техник хусусиятлари тақдимотларда кўрсатиб берилди.

### Бўш иш ўринлари учун номзодлар тест синовидан ўтказилди

**Вазирликда мавжуд иш ўринлари учун номзодлар тест синовидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда соҳадаги шаффофликни ошириш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, ходимларни ишга қабул қилишда таниш-билишчиликка йўл қўймаслик ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш учун вазирликда тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, соҳада фаолият олиб бориш истагида бўлганлар кун сайин ортиб бормоқда. Албатта, тест синовидан муваффақиятли ўтган номзодлар билан соҳа мутахассислари суҳбат ўтказади ва шу тариқа муносиблар аниқланади.

### Ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари иштирокида ўқув-семинар

**Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича девонининг Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатувчи ходимлари томонидан 2022 йил 11 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245 ва $245^8$-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-744-сонли Қонуннинг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган тартиблар тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Ўқув-семинар доирасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳамда қонунчиликдаги янгиликлар муҳокама қилинди.

# БОЖХОНА ТИЗИМИНИ КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ҚИЛИШ – ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА

1-бет

Бунинг учун замонавий комплаенс-назорат тизими жорий этилади. Жорий йил 1 майдан бошлаб юк декларациясини расмийлаштириш постлардан чиқарилади ва тадбиркор билан бевосита мулоқотсиз, масофавий амалга оширилади. 1 июлдан товарлар коди ва қийматини белгилаш, божхона кўригини ўтказиш, имтиёзли декларация расмийлаштиришда коррупцион хавфлар автоматлашган тизим орқали аниқланади. 1 сентябрдан бошлаб барча электрон божхона хизматлари "ягона дарча" тизими орқали кўрсатилади. Йил якунига қадар божхона кўриги жараёнларини тўлиқ қамраб олган электрон тизим ишга туширилади.

Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига божхона хизматларини тўлиқ рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, ходимларни очиқ танлов асосида ишга олиш, ротация қилиш, даромади ва мол-мулкини декларациялаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Коррупциянинг олдини олиш учун ходимларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор зарур. Шу боис энди божхона ходимларининг фаолияти самарасига қараб, иш ҳақига қўшимча устама тўланади. Олис ва шароити оғир постларда ишлаётганлар ҳам моддий қўллаб-қувватланади.

Божхона ходими контрабанда ёки бошқа қонунбузарликни аниқласа, унга мукофот берилади. Махсус унвон учун устамалар миқдори оширилади.

Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, олис постларда ишлайдиган ходимлар учун хизмат уйлари барпо этилади ҳамда имтиёзли ипотека кредити берилади. Божхона ходимлари ва уларнинг фарзандлари учун олий ўқув юртларига киришда алоҳида квота ажратилади.

Президентимиз соҳага аёл ходимларни жалб қилиш муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда контрабандага қарши курашиш натижалари ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 364 килограмм гиёҳвандлик воситалари, 88 минг дона психотроп дорилар ҳамда 181 миллиард сўмлик товарлар ноқонуний кириб келишининг олди олинди.

Бу борадаги имкониятларни кенгайтириш учун божхона постларини 3D-сканер, рентген, видеокузатув, сервер, транспорт тарозиси каби замонавий ускуналар билан жиҳозлаш вазифаси қўйилди.

Бу йил Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Термиз халқаро аэропортларида, келгуси йилдан бошқа аэропортларда ҳам "божхоначисиз назорат" тартибини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Божхона тизимида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун Божхона институтини тубдан трансформация қилиб, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, метрология ва стандартлар, назорат ускуналарини бошқаришни пухта ўргатиш зарурлиги таъкидланди. Жаҳон божхона ташкилоти билан ҳамкорликда кадрлар малакасини ошириш, илғор хорижий амалиётларни ўрганиб, татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 2022 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1-бет

2. Қуйидагилар:

2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А. Н. Арипов) "Йўл харитаси"да назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Наврўз умумхалқ байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топишини акс эттирадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш;

Тошкент шаҳридаги "Янги Ўзбекистон" мажмуасида алоҳида дастурлар асосида халқ сайилларини ташкил этиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, кекса авлод вакилларини ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларида яшаётганлар, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Меҳр дафтари"га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

мамлакатимизда бошланган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни уюштириш, Наврўз умумхалқ байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган жойларда ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб расталари, кўчма савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш.

4. Маданият вазирлиги (О. А. Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (М. М. Ходжиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С. С. Саидов) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Тошкент шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда юқори бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи **Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**:

Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хиёбонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамона безатиш ҳамда саҳналарни ўрнатиш;

жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати усталари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини белгиланган тартибда кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очиқ ошхоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хиёбонлар ва майдонларни безатишда малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар карантин қоидалари ва жамоат хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ишларини ва байрам тадбирларини атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 17 февраль



# Тажриба ўрганилмоқда



**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хабарингиз бор, Қирғиз Республикаси Миллий энергохолдинг мутасаддиларидан иборат делегация аъзолари мамлакатимизда бўлиб, ташриф доирасида республикамиз бўйлаб жорий этилган электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш тизими билан яқиндан танишмоқда.**

Куни кеча Қирғиз делегацияси Сирдарё вилоятида бўлиб, тизим афзалликларини жойларга чиқиб ўрганиш мақсадида Оқолтин туманидаги "Дата центр"ни кўздан кечиришди ва ҳудуддаги 221-сонли трансформатор пункти мисолида тизимнинг ишлаш жараёни билан танишди.

Меҳмонлар ташриф доирасида "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖнинг "Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш Маркази"да ҳам бўлишди. Бу ерда ташкил этилган замонавий иш жараёнларини яқиндан кузатиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Таъкидлаш жоизки, Қирғиз Республикаси Президентининг ўтган йил Ўзбекистон Республикасига ташрифи чоғида умумий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, икки давлат муносабатларини ривожлантириш истиқболлари ва мавжуд масалаларни ҳал этиш механизмлари атрофлича муҳокама қилиниб, бошқа йўналишлар қатори энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилганди.

Шу маънода, бугун қўшни давлат электр энергетикаси тизимида фаолият олиб бораётган корхоналар мутасаддиларининг юртимизга ташрифи ана шундай истиқболли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишидан дарак бермоқда. Хусусан, аввалги ташриф доирасида "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ҳамда Қирғиз Республикаси Миллий энергохолдинг ўртасида имзоланган ана шундай ҳамкорлик меморандуми ҳам юқоридаги фикрга далилдир.

Танишув давомида делегация аъзолари учун "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ томонидан соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш ҳамда орттирилган тажриба ва натижалар хусусида тақдимотлар ўтказилди.

Марказ раҳбари Равшан Мирсалихов меҳмонларга тизим имкониятлари ҳақида гапираркан, бу ерда дунёнинг етакчи давлатларида ишлаб чиқарилган сервер қурилмалари ўрнатилгани, улардаги дастурий таъминот орқали қарийб 20,0 млн истеъмолчига хизмат кўрсатиш имконияти мавжудлиги ҳақида атрофлича маълумот бериб ўтди. Қирғиз Республикаси Миллий энергохолдинг компанияси мутахассислари тизимда олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бериб, ўзларининг илиқ фикрларини билдирди.

Ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташриф буюрган нуфузли меҳмонлар, шунингдек бу ерда республика, вилоят, туман (шаҳар) ва маҳаллалар кесимида электр энергияси истеъмолчиларининг маълумотлари сақланиши, махсус дастурий таъминот орқали электр энергиясининг соатлик, суткалик, ойлик ва йиллик балансларини шаклллантириш, кўп тарифлик тизимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкони мавжудлиги билан танишиб, ўзларининг таассуротларини ўртоқлашди.

Марказ фаолияти билан танишиш чоғида меҳмонлар қарздор истеъмолчиларни тўлиқ автоматик равишда ўчириш ва сарф қилинган электр энергияси учун тўлов амалга оширилгандан сўнг қайта ёқиш, масофадан туриб электр ҳисоблагичларни қайта дастурлаш, истеъмолчилар ҳисоблагичларидан олинган маълумотларни қайта ишлаш ҳамда энергетика тизимини назорат қилиш каби иш жараёнларини кўздан кечирди.

Ўз навбатида, делегация аъзолари жамият томонидан олиб борилаётган ислоҳотларга юқори баҳо бераркан, қисқа давр мобайнида эришилган натижалардан ҳайратда эканликларини алоҳида таъкидлаб, паст кучланишли электр тармоқларига хизмат кўрсатиш ҳамда АСКУЭ тизимини жорий этишда "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ тажрибаси яқин келажакда ўз юртларида ҳам татбиқ этилишидан умидвор эканликларини билдиришди.

# Объект қай тартибда назорат қилинади?

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қурилиш шунчаки жараён эмас: унда ишчидан тортиб, буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари, назорат инспекциялари иштирок этади. Шу боис реконструкция умумий марказлашган текширувни талаб қилади. Одатда объектнинг хавф-хатар тоифасига кўра, даврий назорат босқичлари мавжуд. Иншоотнинг мазкур муддатли назорати қай тартибда амалга оширилади?**

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда Ўзбекистонда 107,4 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. 2020 йилга нисбатан ўсиш суръати 106,8 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, қурилиш соҳаси ҳар йили ўсишда давом этмоқда. Соҳада давлат назорати инспекцияси ва ҳудудий инспекциялар амалга оширилиши лозим бўлган барча босқичларда бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ечимлари, техник регламентлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шунингдек, объектнинг мустаҳкамлиги, хавфсизлиги, сифати, зилзилабардошлиги, фойдаланишда ишончлилигини таъминлаш бўйича норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан давлат қурилиш назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Объектлар мураккаблигига кўра, тўрт турга бўлинади: сув хўжалиги қурилиши, мелиорация ва ирригация объектлари, тоғ-руда саноати, энергетика, газ ва кўмир каби оғир кўринишдаги саноат объектлари мураккаблик жиҳатидан тўртинчи тоифадаги – хавфлилик омили ўта юқори қурилишлар бўлиб, қишлоқ хўжалиги, йўл қурилиш ва автомобилсозлик каби йўналишлар учинчи тоифа – хавфлилик омили юқори объектлардир. Савдо ва умумий овқатланиш, таълим муассасалари объектларининг баъзи турлари иккинчи тоифа – хавфлилик омили ўрта бўлса, кичик объектлар, шунингдек, икки қаватгача, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан паст ва умумий майдони 500 квадрат метргача бўлган якка тартибдаги уй-жойлар хавф-хатар тоифасига кўра биринчи даражали – хавфлилик омили паст объектлардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ юқоридаги тоифа объектлар доимий равишда давлат назоратидан ўтказилиб борилади.

Объектларнинг хавфлилик тоифаларига қараб, давлат қурилиш назоратини амалга ошириш муддатлари белгиланган. Хусусан, реконструкциянинг текшируви тўртинчи тоифа объектлар учун бир ойда тўрт мартадан, учинчи тоифа объектлар бир ойда уч мартадан, иккинчи тоифа объектлар учун эса бир ойда икки мартадан кўп бўлмаслиги керак. Биринчи тоифа объектларда одатда инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг давлат қурилиш назорати функциялари назарда тутилмаган. Уларда давлат назорати амалга оширилмаслиги мумкин.

Ҳудудий инспекциялардан рўйхатдан ўтмаган объектларда қисқа муддатли инспекторлик назорати белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади. Ўз ўрнида, ҳудудий инспекцияларда рўйхатдан ўтган объектларда давлат қурилиш назорати ваколатли органга мурожаат этилмасдан амалга оширилади.

# Инфратузилмада саноатнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга

**Сўнгги йилларда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида шаҳарларимиз қаторида қишлоқларда ҳам ишлаб чиқариш тармоқлари сони кўпайиб, бунинг ҳисобига биринчи навбатда, аҳолининг камбағал қатламини доимий иш билан таъминлаш ва у ерларда турар жойлар қуриш, ободончиликни қарор топтириб, аҳолига қулай шароитлар яратиш имконияти кенгаймоқда.**

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро ҳамда унинг шаҳар ва туманларида ҳам ушбу йўналишдаги ҳаракатлар жадал давом этяпти. Айни пайтда ҳудуддаги энг чекка қишлоқларда ҳам саноат соҳасидаги янгиликлар сезиларли даражада намоён бўляпти.

Ушбу йўналишда айниқса, Ғиждувон туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари намуна бўляпти. Туманда нисбатан аҳоли зич жойлашгани туфайли сўнгги йилларда ишсизлик муаммолари сезиларли даражада ортган ва давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юритилаётган дафтарлар рўйхатига киритилганлар ҳам анчагина эди. Шу сингари муаммоларга барҳам бериш учун вилоят раҳбарлари ва сектордагилар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган режага биноан ҳудудда ихчам саноат тармоқлари ишга туширилиб, ишсизликнинг олди олинмоқда.

Таъкидлаш керакки, жойларда саноат салоҳиятини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6244-сонли фармони айниқса, муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ана шу фармон шарофати билан "Ғиждувон" махсус иқтисодий зонаси қурилиб, ишга туширилганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, бу борада олиб борилган тадбирлар ўз натижасини беряпти. Масалан, умумий қиймати 93,27 миллион долларлик 29 та лойиҳалар фаолияти йўлга қўйилгани туфайли 2 минг 100 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Эътироф қилинганидек, мазкур лойиҳалар тўлиқ фаолият кўрсата бошлагач, энг аввало, сарф-харажатлар меъёрлашиб, таннарх ҳам шунга лойиқ мослашди, бу борадаги кўрсаткичлар эса йил сайин ўсиб борди. Масалан, 2020 йилда 361,7 миллиард сўмлик аҳолибоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, якунланган йилда четга экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг ўзи 26,8 миллион долларни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, давлат дастурларида белгиланганидек ҳудудларда саноат салоҳияти изчил тараққий этиб, улар сони ва ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари қанча кўпайса, экспорт ҳажмимиз ҳам шунча ортади. Қолаверса, ишсизлик барҳам топиб, жаҳон бозорларида ўз ўрнимизни янада мустаҳкам эгаллашимизнинг кафолатидир бу.

Бухороликлар азалдан ҳар қандай ишни бошлаш аввалида етти ўлчаб, бир кесиш ақидасига пухта амал қилишади. Бу анъана айниқса, иқтисодий ислоҳотлар даврида янада қўл келяпти. Демоқчимизки, вилоят ва ғиждувонлик иқтисодчилар тумандаги махсус иқтисодий зонадаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш мақсадида давлатимиз раҳбари белгилаб берган "Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари" тамойилига таяниб, мазкур ҳудудда яна 38,8 гектарда шу йўналишдаги фаолиятни жорий йил охиригача ишга туширишни мақсад қилишган. Режага кўра, шу кунларда қиймати 94,9 миллион долларга тенг 9 та йирик лойиҳа юзасидан техник иқтисодий асослар тайёрланяпти. Бу жиҳатдан олиб борилаётган ишлар жараёнида улар экспертизадан ўтказилгач, ер майдонлари кимошди савдосига чиқарилиб, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилади. Натижада, кенгайтирилган фаолият ҳисобига қўшимча яна икки мингдан ортиқ кишининг доимий бандлиги таъминланади. Навбатдаги босқичда ғиждувонликлар тажрибаси бошқа туманларда ҳам босқичма-босқич татбиқ қилинади.

Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш баробарида транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини шакллантириш орқали сармоя киритувчилар эътиборини жалб қилишга жиддий эътибор беріляпти. Кўпчиликнинг хабари бўлса керак, ислоҳотлар ташаббускори ўтган йили вилоятга ташрифи давомида ҳудуддаги ўзгаришлар қаторида амалга оширилиши лозим бўлган жуда кўплаб топшириқлар берган эди.

Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, айни пайтда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга тегишли бўлинмалар томонидан Ғиждувонда барпо қилиниши мўлжалланган ҳудудда лойиҳа қиймати 74,7 миллиард сўмлик темир йўл қуриляпти. Лойиҳага биноан 28 километр рельслар ўрнатилиши, 2 та қўриқланмайдиган йўл ўтказмаси, 1 та замонавий кўприк, 9 та темир-бетон қувурлар, 1 та ёрдамчи пост, юкларни ортиш ҳамда тушириш майдони, шунингдек, бошқа бир қанча қўшимча қурилиш ишлари белгиланган бўлиб, барчаси рисоладагидек амалга ошмоқда.

Булардан ташқари, Ғиждувон шаҳрида лойиҳа қиймати 39 миллиард сўмдан зиёд бўлган оқова сув тизими ҳамда сув тозалаш иншоотини қуриш юзасидан бунёдкорлик ишлари олиб боріляпти. Дастурга кўра, шу йилнинг охиригача битта канализация тозалаш тармоғи, узунлиги 986 метрли босимли канализация участкаси, узунлиги 2 минг 814 метрли тортишиш канализацияси сингари қурилмаларни меъёрига етказиш бўйича зарур тадбирлар қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун туманга назар ташлаган киши бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари авжи паллага кирганини кўриб, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси инсон манфаатларини янада юқори поғонага кўтаришга қаратилганини юракдан ҳис этиши табиий.

**Ўз мухбиримиз.**

# АМУДАРЁ УСТИДАН ЎТУВЧИ ЯНГИ КЎПРИК

## мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ёши улуғ кишилардан “Кўприк қурмоқ энг катта савоб” деган гапни кўп эшитганмиз. Бунинг замирида ўзига хос маъно мужассам. Зеро, биргина йўл неча миллионлаб кишининг узоғини яқин қилиб, машаққатини аритади. Энди бутун бошли кўприкни тасаввур қилиб кўраверинг. Иккитагина қишлоқни бирлаштириб турувчи кўприк соҳиллардаги кишиларни қалбан ҳам боғлаб турувчи риштага ўхшайди. Бутун бошли вилоятларни боғловчи кўприк эса нафақат икки ҳудуд, балки мамлакат тараққиётида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.**





“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Кўприкқурилиш” трести” унитар корхонаси мутахассислари томонидан Хоразм вилоятини Қорақалпоғистон Республикаси билан боғловчи, Амударё устидан ўтадиган янги темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир. Ҳозирда ушбу кўприк қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Айни қиш фасли ҳукм сураётган бугунги кунда Хоразм вилоятидаги қорли ва совуқ ҳавога қарамасдан соҳа ходимлари қурилиш ишларини бир зум бўлса-да тўхтатмасдан лойиҳа режаси бўйича амалга ошириб келяпти.

Амударё – Марказий Осиёдаги 2 та энг узун ва катта дарёлардан бири. Умумий узунлиги 1 минг 415 километр бўлган ушбу буюк дарё узоқ тарих давомида минтақа халқлари ҳаёти ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган. Мамлакатимизда транспорт коммуникация тизимларига бўлган талабнинг ортиб бориши ҳамда аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш учун катта маблағ ва меҳнат талаб қилинса-да, йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Хоразм вилоятини Қорақалпоғистон Республикаси билан боғловчи, Амударё устидан ўтадиган янги темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги ҳам ана шундай истиқболли лойиҳалардан биридир. Амударё тумани Қипчоқ қўрғони ёнида дарё устига ўрнатилган понтон кўприги 1936 йилда ишлаб чиқилган ва бу ерга 1982 йилда олиб келиб, ўрнатилган. Ишлаб чиқилганига 85 йил тўлган бу қурилма фойдаланиш учун эскирган бўлиб, ҳозирги замон талабларига умуман жавоб бермай қўйган эди.

Президентимизнинг 2020 йил декабрь ойида Хоразм вилоятига ташрифи чоғида эски кўприк ўрнига нафақат автомобиль, балки темир йўл транспорти учун ҳам мўлжалланган замонавий кўприк қуриш бўйича кўрсатма бергани ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг кўнглидаги иш бўлди. Мазкур объект қурилишининг буюртмачиси “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бўлиб, “Боштранслойиҳа” акциядорлик жамияти бош лойиҳачи этиб белгиланди. Янги лойиҳани молиялаштириш “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти маблағлари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгиланди.

2021 йилнинг январь ойи бошларида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Кўприкқурилиш” трести” унитар корхонаси, Йўл хўжалиги бошқармаси ҳамда тармоқнинг бошқа корхоналари ишчи-ходимлари томонидан Амударё қирғоғида янги кўприкни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг учун дастлаб зарур техникалар ва мутахассислар жалб этилди. Лойиҳага кўра, дастлаб Қораўзак туманидан Амударё ва Гурлан туманлари орқали Шовот туманигача умумий узунлиги 80,2 километр бўлган темир йўл линияси ҳамда шу оралиқдаги 3 та қўриқланадиган ва 24 та қўриқланмайдиган темир йўл кесишмасини қуриш белгиланди. Шунингдек, 4 та авто йўл ўтказгичини, 9 та кўприкни ҳамда 25 кишига мўлжалланган 1 дона, 50 кишилик 2 та темир йўл вокзалини бунёд этиш, яна битта темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги ҳамда бошқа темир йўлга техник хизмат кўрсатиш бино ва иншоотларини қуриш кўзда тутилди.

Асосий қўшма кўприкнинг узунлиги 413 метр бўлиб, эни 8 метр, ҳар бир оралиғи 66 метрдан иборат. Лойиҳа бўйича 7 та устун ва 6 та оралиқ бўлади. Айни пайтда дарёнинг икки соҳилида ҳам қурилиш ишлари авжида. Чап ва ўнг қирғоқда бўлажак иншоотнинг устунлари босқичма-босқич ўрнатилмоқда. Эътиборлиси, 7 та устуннинг ҳар бирига 35 та қувур қоқилиб, ер сатҳидан 38 метр чуқурликда бўляпти. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги қурилаётган кўприк ва кўприкка қадар бўлган 10 километрга яқин темир йўл ҳамда кўприкдан кейинги ҳудудда 70 километрдан ортиқроқ темир йўлнинг барпо этилиши натижасида кўпгина йўллар яқинлашади. Хусусан, янги кўприк Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасидан юкларни ташиш масофасини 240 километрга, юкларни манзилга етказиш вақтини эса 6 соатга қисқартиради. Бундан ташқари, ушбу кўприк орқали ўтаётган юкларнинг йиллик самараси 150 миллиард сўмга яқин бўлади. Шунингдек, бугунги кунда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги темир йўл орқали ташилаётган юкларнинг ўртача ҳажми 12 миллион тоннани ташкил қилаётган бўлса, янги кўприк ҳамда темир йўл қурилганидан сўнг юклар ҳажми лойиҳанинг ўзини оқлаш муддатига етиб боргунга қадар 20-25 миллион тонна атрофида бўлади.

– Ҳозиргача лойиҳада кўрсатилган 80,2 километрлик участкада режага кўра йўлсозлар томонидан умумий ер ишлари якунига етказилди, – деди “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонаси қурилиш отряди иш юритувчиси Достон Ибодуллаев. – Мутахассисларимиз томонидан Шовот–Гурлан–Жумуртов–Койбакли темир йўл линиялари оралиғида жами 4 514,2 минг куб метр тупроқ кўтарма ишларининг 94 фоизи бажарилиб, 15 километр темир йўл излари ётқизилди. Шунингдек, сунъий сув ўтказгич иншоотлари конструкциялари ишлаб чиқарилиб, 233 та иншоотдан 162 тасида айни пайтда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Темир-бетон кўприклардан 1 таси қуриб битказилиб, 4 тасида қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

Эътиборлиси шундаки, “Эйвалек махсус темир-бетон” акциядорлик жамияти ҳамда “Хоразм темир йўл қурилиш” унитар корхонаси томонидан ушбу объектга зарур бўлган сунъий сув ўтказгич иншоотлари конструкцияларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тайёр маҳсулотлар қурилиш объектига ўз вақтида етказилиши натижасида иш кўлами янада ортмоқда.

Бугунги кунда қурилиш майдонига 115 та замонавий техника ҳамда 240 нафарга яқин мутахассис жалб этилган. Бир сўз билан айтганда, Амударёда қурилаётган янги кўприк нафақат Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини янада яқинлаштиришда, балки бутун мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз.

# Тошлоқнинг бугунги жамоли

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Туман марказидан то олис қишлоқларгача бўлган ҳудудларда замонавий ва кўркам, миллийликни ўзида мужассам этган бино-иншоотлар қуриб, юрт кўркига ҳисса қўшаётган Тошлоқ тумани бунёдкорлари ҳам давр билан ҳамоҳанг қадам ташламоқда. Зеро, одамларни рози қилиш соҳа фидойиларининг кундалик ишига айланган. Буни 2021 йилда амалга оширилган ишлар мисолида кўриш мумкин. Тадбиркорлар томонидан 8 та кўп қаватли, арзон ва барча қулайликлари мавжуд бўлган 4 та 5 қаватли уй-жойлар қуриб битказилди.**

Ахшак массивида 5 та уй-жойлар хусусий тадбиркорлар томонидан ҳамда аҳолини арзон уй-жой билан таъмирлаш мақсадида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК буюртмачилиги асосида 3 та уйлар қуриб битказилди. Бу каби ишлар давом эттирилиб, жорий йилда ҳам хусусий тадбиркорлар томонидан 15 та кўп қаватли уйларни қуриш учун объектларда ишлар жадал олиб борилмоқда. Ушбу қурилиш ишларига тумандан 411 нафар бунёдкорлар жалб этилган.

Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” ҳамда инвестиция дастурлари доирасида кўпгина объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, Фурқат номидаги МФЙда 1-ДМТТ реконструкция қилиниб, 3 664 млн сўм маблағ эвазига қўшимча бино қурилди. Кўп тармоқли марказий поликлиниканинг 2-биносига 539 млн сўм маблағ сарфланиб, қайта реконструкция қилинди. “Пиёзчилик” МФЙдаги 39-сонли умумтаълим мактаби, “Меҳнатобод” МФЙда 14-сонли ДМТТ, “Сўфилар” МФЙда 37-умумтаълим мактаби ҳам реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этди. “Арабмазор” МФЙда жойлашган 56-сонли оилавий поликлиника, 17-, 36-, 41- ҳамда 4-сонли умумтаълим мактабларида ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга 10-, 12-, 25- ва 26-сонли МТТлар жорий таъмирланган бўлса, 4- ва 13-сонли МТТларда қўшимча 90 ўринли, енгил конструкцияли қурилиш ишлари амалга оширилди.

Йўл инфратузилмасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда йўл қурилиш соҳасида 6 462 млн сўм маблағ ҳисобига А. Навоий кўчасининг 2 км қисми замонавий қиёфага келтирилди. Кўчаларга бетон таянчлар ва янги чироқлар ўрнатилди. Аҳоли томорқалари учун қулайлик яратиш мақсадида сув йўллари равонлаштирилди, янги ариқлар очилди ва турли хил мевали-манзарали дарахт кўчатлари экилди.Шунингдек, ҳудудидаги 48 та МФЙда 15 209 млн сўм маблағ эвазига мавжуд 121 та кўчанинг 63 км узунликдаги ички йўллари тартибга келтирилди.

Жорий йилда ҳам ижтимоий инфратузилмани янада кенгайтиришга йўналтирилган давлат дастури бўйича барча бунёдкорлик объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишларига жадал киришилган. Қурувчилар ҳар дақиқадан унумли фойдаланаётгани натижасида объектлар кун сайин кўкка бўй чўзяпти.

# Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқми?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кўча-кўйда ёки ҳовлиларда сувнинг беҳуда оқиб турганини кўрсам, ер юзининг қайсидир бурчагида сувсизликдан жон бераётган миллионлаб одамлар кўз ўнгимда гавдаланади. Ичимлик сувини беҳудага исроф қилиб, машина ёки гиламларини бамайлихотир юваётган ёки ҳовли-кўчасига кўллатиб сепаётганларни кўрсам, қишлоғидан умуман ариқ ўтмаган, сувсизликдан дарахт тугул биттагина гиёҳ ҳам унмайдиган, ичимлик сувини нечи километрдан ташиб келадиган ёки сотиб оладиган бечора одамларни эслайман. Демак, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб бекорга айтишмаган экан...**











Бугун юртимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бироқ, ушбу неъматни исроф қилиш, ундан фойдаланишда қонунларни менсимаслик ҳолатлари ҳамон кўплаб учраётгани кишини ташвишга солади.

Хусусан, ўтган 2021 йил сарҳисобига кўра, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан сув таъминоти тизимида олиб борилаётган ишлар, йўл қўйилган камчилик ва қонунбузарликлар аниқланиб, уларга тегишли чоралар кўрилди.

Жумладан, республика бўйича:

1 281 та ичимлик ва оқова сув тизимларига ноқонуний уланиш;

9 та ўрнатилган сув ҳисоблагичларига шикаст етказиш ва пломбаларни узиш;

43 та ноқонуний тарзда ичимлик сув қудуқларини қазиш;

133 та ичимлик сувидан фойдаланиш лимитига амал қилмаслик;

88 та сув ҳисобини юритилмаганлик ҳолати;

2 643 та авария ҳолати;

893 та ичимлик ва оқова сув қудуқларида махсус қопқоқларнинг мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шунингдек, 12 516 та ичимлик ва оқова сув тармоқларига уланиш учун техник шартлар ўрганилган бўлиб, шундан 1 407 тасида қоидабузарликлар аниқланган. 1 276 та истеъмолчига 4,2 млрд сўм қўшимча тўлов ва 1 077 та ҳуқуқбузарга нисбатан 1,4 млрд сўм маъмурий жарима расмийлаштирилган. Хусусан, Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги “Бибиширин” МФЙ аҳолиси томонидан “Хўжаимайхона-Бойсун” магистрал ичимлик сув тармоғида 17 та ноқонуний уланишлар аниқланган бўлиб, улар орқали 101 та хонадон ичимлик сувидан қонунга хилоф равишда фойдаланиб келган.

Ҳудудларда истеъмолчилар билан шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш бўйича 690 та МФЙда ўрганишлар ўтказилиб, қўшимча 95 314 та аҳоли қамраб олиниши натижасида 7,05 млрд сўмлик 23 477 та шартнома расмийлаштиришга эришилди. Сувинспекциянинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказган ўрганишлари натижасида, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича 80 та умумий қиймати 16,3 млрд сўмлик қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Аҳоли ўртасида сувдан фойдаланиш маданиятини оширмай туриб, бу каби қонун бузилиш ҳолатларини олдини олиш мумкин эмас. Шу боис, инспекторлар томонидан ҳудудлар кесимидаги маҳаллаларда 1 009 та давра суҳбати ва тарғибот ишлари олиб борилди.

– Сувинспекцияга 2021 йил давомида аҳоли ва юридик шахслар томонидан келиб тушган 137 та мурожаатдан 96 таси қаноатлантирилди, – деди бош мутахассис Баҳодир Машрапов. – 36 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ва 5 таси тегишлилиги бўйича бошқа идораларга йўналтирилган. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларига асосан, ичимлик сув таъминоти ва оқова сув чиқариш объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича 504 та қурилиш объектида мониторинг ўтказилди. Уларда аниқланган 1 112 тадан зиёд камчиликни жойида бартараф этишга эришдик. Шунингдек, инвестиция дастури асосида реконструкция қилинган 407 та янги ичимлик ва оқова сув объектида ўрганиш ва мониторинг қилиш ишлари ўтказилди.

Юқоридаги мониторинг натижаларидан ҳам кўриниб турибдики, юртдошларимиз орасида сувдан фойдаланиш маданияти ҳамон паст. Демак, табиат инъом этган неъматлардан бири – оби ҳаётдан унумли фойдаланиш бўйича янада кўпроқ тарғибот ишлари олиб борилиши зарур. Ҳар нарсани борида қадрлаган инсон, ҳеч қачон ўша нарсага зориқмайди. Ахир, бугун бемалол оқиб турган оби ҳаёт эрта-индин тугаб қолмаслигига, ҳеч бўлмаса вақтинча ўчиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди-ку. Зеро, эртани ўйлаган инсон сувнинг ҳар бир томчисидан унумли фойдаланиб, уни асраб-авайлайди. Бошқаларни ҳам бунга даъват этади.

# Учқудуқда тикланган маҳаллалар

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Навоий вилоятининг олис чўл ҳудуди – Учқудуқ туманида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида ижобий ишлар қилиняпти.**

Яқинда мана шу ердаги “Мустақиллик” ва Абай номидаги МФЙ учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорлар Ҳусниддин Нормуродов ва Фарид Муродов томонидан қуриб берилди. Ўтган йили Учқудуқда 31,6 млрд сўм маблағлар доирасида ҳудуддаги ижтимоий ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, мазкур йўналишда 100 фоиз маблағ ўзлаштирилди.

– Жумладан, 2 та МТТ, 9 та умумтаълим мактаби, 1 та соғлиқни сақлаш муассасаси бинолари фойдаланишга топширилди, – дейди туман қурилиш бўлими бошлиғи Баҳромзода Исломи Қаҳрамон. – Шунингдек, 15,6 километр автомобиль йўллари, 2 та аҳоли яшаш пунктларида ичимлик суви таъминоти объектлари янгиланди. Бундан ташқари, тадбиркорлар томонидан қурилаётган савдо нуқталари, супермаркет, маиший хизмат кўрсатиш бинолари сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Туман марказидаги Мустақиллик, Айтим, Абай, А. Навоий, Дўстлик маҳаллаларида 12,3 километр масофада ички йўлларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, Мустақиллик маҳалласида 1,1 километр узунликдаги пиёдалар йўлакчаси таъмирдан чиқарилди.Бундан ташқари, “Обод марказ” дастури доирасида Мустақиллик кўчасида 1,52 километр масофада автомобиль йўлида кенгайтириш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

## Наманганадан дараклар

# Telegramда бот-канал очилди

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармасида коррупцияга қарши кураш йўналишида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, “Шаффоф қурилиш” тизими асосида бош бошқарма матбуот хизмати ҳамда ички аудит ва комплаенс назорат бўлими ҳамкорлигида Telegramда @namqurilishuz_bot номли бот-каналини ишга туширди. Унга ҳар бир киши ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қўйиши мумкин. Улар бош бошқарма мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилади ва чора кўрилади.

# “Равнақ”да мактаб фойдаланишга топширилди

**Наманган туманидаги “Равнақ” маҳалласида 420 ўринга мўлжалланган 29-мактаб биноси фойдаланишга топширилди.**

Янги мактабни “Обод қурилиш таъмир сервис” масъулияти чекланган жамияти бинокорлари бунёд этди. Бу ишлар учун 4 миллиард 704 миллион сўм маблағ сарф қилинган.

# Маҳаллага – янги бино

**Косонсой туманида замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган “Жар” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**




Эътиборлиси, бинода ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси учун алоҳида хоналар мавжуд. Ушбу маҳалла идораси ҳудуд аҳолиси учун ажойиб туҳфа бўлди. Замонавий бино тадбиркор Комилжон Муллаев бошчилигидаги “К.М. Строй” МЧЖ қурувчилари томонидан барпо этилиб, қурилиш ишларига 350 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

# Мажбурий бадални тўлаш учун субсидия кимларга ажратилади?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

